

ҚИШ – ҚИШЛИГИНИ ҚИЛАДИ, БИЗ ЭСА ЎЗ ИШИМИЗНИ

Мактабгача таълим муассасалари жорий куз-қиш мавсумига қай даражада тайёр? Етарли миқдорда қаттиқ ўтин ва кўмир захираси яратилганми? Озиқ-овқат маҳсулотлари захираси ва уларни сифатли сақлаш масаласи қандай ҳал этилмоқда? Умуман олганда, халқимиз фарзандларини совуқ мавсумдан соғ-саломат, ҳеч бир зиён захматсиз олиб чиқиш учун яна нималарга эътибор қаратиш лозим? Бағдод тумани ҳокими Алибек Турсунов 5-сонли давлат мактабгача таълим муассасасида ташкилланган йиғилишда қатнашиб, юқоридаги долзарб саволларга масъуллардан жавоб талаб қилди. Йиғилишда давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, уларнинг хўжалик масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда куз-қиш мавсуми учун жалб қилинган ишчи-ходимлар иштирок этди.

- Боғчаларимизда машғулот хоналарини жиҳозлаш, турфа хил гуллар, байроқчалар билан безатиш ўз йўлига, - деди туман ҳокими. - Лекин, энг биринчи навбатда, болажонларимизни қишдан эсон-омон олиб чиқишни ўйлашимиз керак. Барча хоналар талаб даражасида иситилиши, тарбияланувчилар машғулотларда эмин-эркин қатнашиши учун шароит яратиб беришимиз шарт. Токи, болалар чилладаям боғчага қатнашни канда қилмасин, ота-оналарда хавотир, саросималик пайдо бўлмасин. Қаттиқ ўтин, кўмир ёқилғиси ҳамда озиқ-овқат захираси сифатли сақланиши, уларнинг талон-торож қилинишига мутлақо йўл қўйилмаслиги керак. Биласиз, муҳтарам Президентимиз томонидан мактабгача таълим соҳасига юксак эътибор қаратилмоқда. Демак, ўз навбатида, сиз ҳам зиммангиздаги вазифаларга икки ҳисса масъулият билан ёндошмоғингиз талаб қилинади. Барча масъулларга бир ҳафта муддат берилади: ҳар ким ўз муассасасида куз-қиш мавсумига тайёргарлик борасида бажарилган ишларни яна бир карра пухта кўриб чиқсин. Майли, қиш – қишлигини қилсин, биз эса ўз ишимизни!



Мактабгача таълим бўлими мудирани Раънохон Тиллаевага кўра, туманда мавжуд 52 та ДМТТда мавсумни беталофат ўтказиш бўйича масъуллар билгиланган. 2019 йил давомида муассасаларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 810 млн. сўм ажратилган. Бунинг ҳисобига 34 та ДМТТнинг 320 м², 48 та ДМТТнинг 340 м², 10 та ДМТТнинг 410 м² том қисми янгиланди. 8-, 23-, 28-, 43-, 48- ва 49-сонли ДМТТларда кўмир ва захира омборлари, ошхона, ҳожатхона бинолари қурилди. 40-сонли ДМТТнинг 47,4 м² лик эски эшик-ромлар 1 / 2 замонавий кўринишдагилари билан алмаштирилди. 5 октябрь ҳолатига кўра, режадаги 1 минг 185 тонна кўмир ва кўмир маҳсулотининг 810 тоннаси муассасаларга тенг миқдорда етказиб берилди. Ташкилотлардаги 1 минг 250 тонна сиғимга эга кўмир омборлари, 570 тонна сиғимга эга озиқ-

овқат маҳсулотлари захира омборлари мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Шу кунга қадар 41 та ДМТТнинг иситиш тизими тўлиқ ўрганиб чиқилди ва бу жараёнда 4 та муассасада аниқланган камчиликлар батамом бартараф этилди. Шунингдек, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қўшимча равишда 590 млн. сўм ажратилиши режалаштирилган бўлиб, бунинг эвазига жорий йилда янги ташкилланган 4-, 8-, 16-, 17-, 23-, 28-, 34-, 43-, 47-, 48- ва 49-сонли ДМТТга иситиш тизими ва иситиш қозонлари ўрнатиш мақсад қилинган. Бундан ташқари, ромларга қоплаш учун плёнка, пахта, скоч ва ёғоч материаллари барча муассасаларга етказиб берилди, ўт ёқувчиларни махсус кийим-бош билан таъминлаш, уларни махсус курсларда ўқитиш чоралари кўрилмоқда.

Бағдод тумани ҳокими

Ахборот хизмати.

2019-10-16 14:53:20